

**«Тасдиқлайман»**

**10 март 2022йил**

**МЧЖ «O'zERAЕ Climate Control» КК**

**Бош директори**

**М.А. Багитев**



**МЧЖ «O'zERAЕ Climate Control» КК**

## **ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ**

**Корхона эҳтиёжи учун қурилиш молларини сотиб олиш бўйича**

**АНДИЖОН-2022**

# Танлов иштирокчиси учун қўлланмалар

Мазкур йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг 2021-йил 22-апрелдаги ЗРУ-684-сон “Давлат харидлари тўғрисидаги” Қонуни асосида ишлаб чиқилган.

## 1. Танлов предмети ва таклифлар учун чегаравий нарх.

- 1.1. Танлов мавзуси: Корхона ишчиларини тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича.
- 1.2. Шартноманинг маржинал қиймати: **13 650 000** (Ўн уч миллион олти юз эллик минг) сўм, ҚҚСсиз.
- 1.3. Шартноманинг маржинал қиймати 15% ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда: 16 060 000 (ўн олти миллион олтмиш минг) сўм. Таклифда кўрсатилган нархлар маржинал нархдан ошмаслиги керак.
- 1.4. Махсулотларини етказиб бериш бўйича техник топшириқлар Танлов ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган.

## 2. Танлов ташкилотчилари

- 2.1. МЧЖ «O'zERAЕ Climate Control» КК ушбу Танловнинг Буюртмачилари (кейинги ўринларда “Буюртмачи”) ҳисобланади. Буюртмачи манзили: Ўзбекистон, Андижон ш., Бобур Шох 73А-уй.
- 2.2. Танлов Буюртмачи томонидан тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.
- 2.3. Шартнома эгаси: МЧЖ «O'zERAЕ Climate Control» КК

## 3. Танлов иштирокчилари

- 3.1. Танловда танлов ҳужжатларига илова қилинган Буюртмачининг техник топшириғига мувофиқ ушбу махсулотларни етказиб бериш ҳуқуқига эга, тажрибага эга булган, шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ва бошқа ресурсларнинг мавжуд бўлган барча ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Қуйидаги ташкилотлар танловда қатнашиши мумкин эмас:
  - ўз вақтида зарур ҳужжатлар тўпламини тақдим этмаган;
  - қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
  - Буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида бўлиш;
  - илгари тузилган шартномалар бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаган;
- 3.3. Иштирокчи юқорида кўрсатилган мажбурий ҳужжатлардан ташқари, унинг молиявий аҳволи, обрўси, иш тажрибаси ва бошқаларни акс эттирувчи маълумот характеридаги қўшимча ҳужжатларни тақдим этишга ҳақли. Қўшимча ҳужжатларни тақдим этмаслик иштирокчини дисквалификация қилиш учун асос бўла олмайди.

## 4. Танловчи таклиф ва унинг ро‘йхатдан олиш тартиби

- 4.1. Электрон танлов ўтказилганда иштирокчилар танлов таклифларини электрон конверт кўринишида ўзларининг шахсий кабинетлари орқали электрон танловни ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тақдим этадилар.
- 4.2. Иштирокчининг танлов таклифининг ажралмас қисми бўлган элек-трон ҳужжатлар оператор томонидан белгиланган форматларда тақдим этилади. Ҳар бир жойлаштирилган электрон ҳужжат иштирокчининг электрон рақамли им-зоси билан тасдиқланади.
- 4.3. Энг яхши таклифларни танлови таклифи билан биргаликда ишти-рокчилар эскизлар, расмлар, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа ҳужжатларни файл сифатида жойлаштиришлари мумкин. Бунда иштирокчиларнинг танлов таклифлари электрон тизимдаги шаб-лонларга мувофиқ ҳужжатларни бириктириш орқали тақдим этилади. Иштирокчи томонидан кўрсатилган маълумотлар бириктирилган ҳужжатлардаги маълумот-ларга мос келиши керак.
- 4.4. Энг яхши таклифларни танлови таклифларини очиш муддати етиб келгунга қадар улар электрон танлов иштирокчилари, шу жумладан МЧЖ «O'zErae Climate Control» қўшма корхонасининг харид комиссияси масъул котиби ва аъзо-лари томонидан кўрилишига йўл қўйилмайди, бундан ушбу таклифларни тақдим этган иштирокчи мустасно. Мазкур талабнинг бажарилишига оператор жавобгар ҳисобланади.
- 4.5. Электрон танлов иштирокчиси битта лотга фақат битта танлов таклифини беришга ҳақли.
- 4.6. Электрон танлов иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳуж-жатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

4.7. Электрон танлов иштирокчиси тақдим этилган танлов таклифларини бериш муддати тугагунига қадар берилган танлов таклифини чақириб олишга ёки унга ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

4.8. Электрон танлов иштирокчиси танлов ҳужжатларидаги талабларни тушунтириш талаби билан МЧЖ «O'zErae Climate Control» қўшма корхонасининг маъсул ходимларига очиқ электрон чат орқали танлов таклифларини бериш муд-дати тугайдиган санадан камида икки кун олдин сўров юборишга ҳақли.

4.9. МЧЖ «O'zErae Climate Control» қўшма корхонасининг маъсул ходим-лари сўров келиб тушган санадан эътиборан икки кун ичида ушбу сўровга очиқ электрон чат орқали тушунтириш юбориши шарт.

4.10. МЧЖ «O'zErae Climate Control» қўшма корхонасининг маъсул хо-димлари харид қилиш тартиб-таомилига нисбатан иштирокчилар томонидан танлов таклифларининг таъминланиши зарурлиги тарзида талаб белгилаган тақдирда, танлов таклифлари юборилгунига қадар иштирокчи таъминотнинг мақбуллигини тасдиқлаш тўғрисида очиқ электрон чат орқали сўров юборишга ҳақли. Буюртмачи бундай сўровга дарҳол жавоб беради.

4.11. Электрон танловда куйидаги мезонларга мувофиқ бўлган иштирок-чилар қатнаша олади: шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;

солиқлар ва йиғимлар бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги..

### **5. Танлов таклифларини бериш муддатларини узайтириш.**

5.1. Харид комиссияси Танловнинг таклиф акцептига қадар исталган вақтда бекор қилиш ҳуқуқига эга. Агар танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш муддати тугаган пайтда фақат битта таклиф тақдим этилган ёки бирорта ҳам таклиф тақдим этилмаган бўлса, танлаш ўтказилмаган деб ҳисобланади ва Буюртмачи Давлат харидлари қонунига амал қилган ҳолда танловни ўтказиш учун қайта эълон жойлаштириши мумкин(танлов таклифларини топшириш муддатини узайтириш агарда танловда битта ва ундан кам таклифлар келиб тушса), бу танловнинг барча иштирокчиларига тегишли. Танловни узайтириш муддати узайтириш тўғрисидаги эълон Давлат харидлари портали([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) да эълон қилинган кундан бошлаб 7 календар кундан ошмаслиги керак.

5.2. Муддатни узайтириш тўғрисидаги қарор фақат асосли асосда харид комиссиясининг мажлисида қабул қилинади.

5.3. Танлов таклифларини топшириш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор Давлат харидлари порталида эълон қилинади ва иштирокчилар учун қўлланмалар жойлаштирилади.

### **6. Энг яхши таклифларни электрон танлови натижаларини сарҳисоб қилиш..**

6.1. Уч ёки ундан ортиқ электрон танлов иштирокчилари — маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бўлган тақдирда давлат харидлари МЧЖ «O'zErae Climate Control» қўшма корхонасининг маъсул ходимлари танловига кўра маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида амалга оширилиши мумкин.

6.2. Электрон танловда битта иштирокчи иштирок этган ёки биронта иштирокчи иштирок этмаган тақдирда танлов ўтказилмаган деб топилади. Бундай ҳолатда МЧЖ «O'zErae Climate Control» қўшма корхонасининг харид комиссияси танловни айна ўша шартларда ҳамда товарга (ишга, хизматга) доир айна ўша ме-зонларга ва талабларга мувофиқ тақдоран амалга ошириши шарт.

6.3. Электрон танлов МЧЖ «O'zErae Climate Control» қўшма корхонаси-нинг харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда ўтказилганда электрон тизим автоматик равишда иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва улар-нинг танлов таклифларини ташкил этувчи электрон ҳужжатларни кўриш имкония-тини беради.

Иштирокчи томонидан бириктирилган файллар унинг танлов таклифида кўрсатилган маълумотларига мос бўлиши ҳамда электрон тизимдаги электрон майдонлар тўлдирилиши керак. Электрон тизим иштирокчи таклиф этган нархни бошланғич нархга муво-фиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларнинг мавжудлигини текширади. Иштирокчи томонидан таклиф этилган нарх бошланғич нархдан юқори бўлса, шунингдек

тўлдирилмаган майдонлар мавжуд бўлса ёки бириктирилган файллар тўлиқ бўлмаса, электрон тизим рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда иштирокчининг таклифини рад этади. Бириктирилган файллардаги маълумотларнинг иштирокчининг танлов таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш харид комиссиясининг масъул котиби томонидан амалга оширилади.

6.4. Агар энг яхши таклифларни танлови таклифи Қонуннинг ва танлов ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади. Танлов таклифи тегишли тарзда расмийлаштирилганлиги ёки расмийлаштирилмаганлиги бўйича МЧЖ «O'zErae Climate Control» қўшма корхонасининг харид комиссияси масъул котибининг қарори унинг асосланган сабаблари билан харид комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.

6.5. Энг яхши таклифларни танлови таклифларини баҳолаш вақтида МЧЖ «O'zErae Climate Control» қўшма корхонасининг харид комиссиясининг масъул котиби электрон танлов иштирокчиларидан уларнинг танлов таклифлари юзасидан тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён электрон шаклда ўтказилади.

6.6. Энг яхши таклифларни танлови таклифи танлов ҳужжатлари билан белгиланган муддат мобайнида кучда қолади.

6.7. Энг яхши таклифларни танлови таклифининг техник қисмини миқдорий кўрсаткичларга асосан баҳолаш, шунингдек таклифнинг нарх қисмини баҳолаш электрон тизим томонидан автоматик равишда амалга оширилади.

Миқдор кўрсаткичларига эга бўлмаган таклифнинг техник қисмининг ме-зонлари (эксперт мезонлари) бўйича иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва таққослаш харид комиссияси томонидан овоз бериш орқали амалга оширилади.

Энг яхши таклифларни танлови ҳужжатлари шаблонларини тўлдиришда миқдорий (ўлчов бирлигини белгиланган ҳолда) ва эксперт мезонларни харид комиссияси тасдиқлайди.

6.8. Энг яхши таклифларни танлови ҳужжатларида белгиланган шарт-лардан келиб чиқиб электрон тизим автоматик равишда:

энг яхши таклифларни танлови таклифининг техник ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори балл тўплаган иштирокчини (балл усулидан фойдаланганда);

энг яхши таклифларни танлови таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра электрон танловда иштирок этишни давом эттиришга руҳсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини (энг паст нарх усулидан фойдаланганда) ғолиб сифатида аниқлайди.

Икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса (балл усулидан фойдаланганда) ёки бир хил нарх таклиф қилган бўлса (энг паст нарх усулидан фойдаланганда), танлов таклифини барчадан олдин жойлаштирган иштирокчи ғолиб деб топилади.

Захира ижрочисини аниқлаш мазкур бандда белгиланган тартибда амалга оширилади.

6.9. Энг яхши таклифларни танлови таклифларини кўриб чиқиш натижа-ларига кўра МЧЖ «O'zErae Climate Control» қўшма корхонасининг харид комиссия-ясининг масъул котиби электрон тизимда харид комиссияси йиғилишининг элек-трон баённомасини тузади ҳамда тасдиқлаш учун харид комиссияси аъзоларига юборади.

МЧЖ «O'zErae Climate Control» қўшма корхонасининг харид комиссияси аъзолари электрон баённомани электрон рақамли имзоларидан фойдаланган ҳолда тасдиқлайди.

6.10. МЧЖ «O'zErae Climate Control» қўшма корхонасининг харид комиссиясининг қарорлари унинг аъзолари умумий сонининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади.

6.11. Энг яхши таклифларни танлови таклифларини кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари электрон баённомада қайд этилади ва электрон танлов ўтказиш бўйича МЧЖ «O'zErae Climate Control» қўшма корхонасининг харид комиссияси аъзолари томонидан электрон рақамли имзоларидан фойдаланган ҳол-да имзоланади. Электрон баённомадан кўчирма порталда автоматик равишда эълон қилинади.

Бунда, баённомада қуйидаги ахборот бўлиши керак:

энг яхши таклифларни танлови таклифлари кўриб чиқиладиган ҳамда баҳоланадиган сана ва вақт; харид комиссияси аъзоларининг ва электрон танлов иштирокчилари ва-колатли вакилларининг таркиби;

- энг яхши таклифларни танлови таклифлари кўриб чиқилган электрон танлов иштирокчилари;  
энг яхши таклифларни танлови таклифлари уларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда рад этилган электрон танлов иштирокчилари;  
электрон танлов ғолиби тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида маълумот;  
электрон танлов ғолибининг номи (юридик шахслар учун), Ф.И.О. (жисмо-ний шахслар учун), турган жойи (почта манзили).
- 6.12. Электрон танловнинг исталган иштирокчиси электрон баённома эълон қилинганидан сўнг МЧЖ «O'zErae Climate Control» қўшма корхонасининг маъсул ходимларига электрон танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли.
- 6.13. МЧЖ «O'zErae Climate Control» қўшма корхонасининг маъсул хо-димларига бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида элек-трон танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши мажбур.
- 6.14. Электрон танлов ўтказиш натижаларига кўра шартнома мазкур корхона Низомнинг 5.7.- параграфига мувофиқ тартибда электрон шаклда тузилади, томон-ларнинг электрон рақамли имзолари билан тасдиқланади ҳамда шартномалар реестрига киритилади.

### **7. Томонларнинг масъулияти ва махфийликга мувофиат.**

- 7.1. Давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.
- 7.2. Харид комиссияси пудратчини аниқлаш тартиб-таомилларининг давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги, қабул қилган қарорларнинг асослилиги ва холислиги учун жавобгардир.
- 7.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончилиги учун жавобгардир. Ғолиб деб эътироф этилган тақдирда, у қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва муддатларда “Буютмачи” билан шартнома тузиши шарт.

Маъмурий хўжалик бўлими бошлиғи:



Абдураимов Ф.

## №2-илова

### Топширилиши мажбўрий бўлган ҳужжатлар рўйхати

№	Ҳужжат номи	Бириктирилган	Бириктирилмаган	Сабаб (Агар бириктирилмаган бўлса)
1	Танловда иштирок этиш учун харид комиссияси раиси номига ариза (№1-шакл).			
2	Таъсис ҳужжати (низом) ёки давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси.			
3	Ушбу танлов ҳужжатиغا №2-шаклга мувофиқ қафолат хати.			
4	Ушбу танлов ҳужжатининг №3-шакли бўйича танлов иштирокчиси тўғрисидаги умумий маълумотлар.			
5	№4-шакл Ишончнома			
6	Техник таклиф ва товар(хизматлар)нинг батафсил тавсифи билан №5-шаклга мувофиқ ва Буюртмачининг техник талабларига мос келадиган таклиф қилинадиган товарлар / хизматларнинг техник тавсифларининг қиёсий жадвали. Иштирокчи таклиф этилаётган маҳсулотнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган брошюралар, техник паспортлар ёки бошқа ҳужжатларни тақдим этиши мумкин . Мухирланган PDF форматида электрон шаклида <a href="https://etender.uzex.uz/-сайтига">https://etender.uzex.uz/-сайтига</a> жойлаштирилади.			

*Иштирокчининг фирма бланкида*

№: \_\_\_\_\_

Сана: \_\_\_\_\_

**Харид комиссияси раисига**

**АРИЗА**

\_\_\_\_\_ -сонли танлов ҳужжатларини ўрганиб чиққандан ҳолда (*таклиф этилаётган маҳсулот номини кўрсатинг*) биз қуйида имзо чекувчи (*Танлов иштирокчисининг номи*) Танлов ҳужжатларига мувофиқ (*маҳсулот номи*) етказиб бериш бўйича танловда иштирок этмоқчимиз.

Шу муносабат билан биз қуйидаги ҳужжатларни муҳрланган конвертда юбордик:

1. Ягона конвертда муҳрланган №2-иловага мувофиқ ҳужжатлар;
2. Бошқа ҳужжатлар (*агар бошқа ҳужжатлар тақдим этилса, варақларнинг номи ва сонини кўрсатиш керак*).

Ф.И.Ш. Танлов таклифини тайёрлаш учун масъул шахс:

Боғланиш учун телефон / факс: \_\_\_\_\_

Электрон почта манзили: \_\_\_\_\_

Ф.И.Ш. ва раҳбар ёки ваколатли шахснинг имзоси

Мухир ўрни

*Иштирокчининг фирма бланкида*

№: \_\_\_\_\_

Сана: \_\_\_\_\_

**Харид комиссияси раисига**

**КАФОЛАТ ХАТИ**

Ушбу мактуб билан биз Ўз Ўстави иш юритувчи \_\_\_\_\_: *(Корхона номи)*

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик жараёнида эмасмиз.
- МЧЖ «O'zErae Climate Control» қўшма корхонаси билан суд ёки арбитраж ҳолатида эмасмиз.
- илгари тузилган шартномалар бўйича лозим даражада бажарилмаган мажбуриятлар мавжуд эмас

Имзолар:

Ф.И.Ш. директор \_\_\_\_\_

Ф.И.Ш. бош ҳисобчи \_\_\_\_\_

Ф.И.Ш. ҳуқуқшунос \_\_\_\_\_

М.Ў.



## Иштирокчининг фирма бланкида

## Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумот

1	Юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатган ҳолда тўлиқ номи	
2	Рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги маълумотлар (рўйхатга олинган сана, рўйхатга олиш рақами, рўйхатдан ўтказган органнинг номи)	
3	Юридик манзил	
4	Телефон рақам, факс, электрон манзил	
5	Тўлиқ банк реквизитлари	
6	Фаолиятининг асосий йўналишлари	

## Танловда бўйича маҳсулотни этказиб бериш тажрибаси ҳақида маълумот (агар мавжуд бўлса)

№	Маҳсулот номи	Харидорнинг исми, манзили ва алоқа маълумотлари	Сана ва Маҳсулотларнинг миқдори	Эслатма
1				
2				
....				

**ИШОНЧНОМА**

Жамият (корхона, завод ва бошқалар) \_\_\_\_\_, бундан кейин “Ижрочи” деб юритилади, номидан \_\_\_\_\_, Устав (Низом ва бошқалар) асосида иш юритувчи, ушбу ишончнома билан жамият вакилига ваколат беради. - \_\_\_\_\_ фукаро (паспорт серияси \_\_\_ № \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ да берилган) учун

- а) танлов ҳужжатларини тақдим этиш;
- б) харид комиссиясининг мажлисларида қатнашиш;
- в) танлов таклифининг техник ва нарх қисмига оид масалалар, шунингдек, бошқа масалалар бўйича тушунтиришлар бериш.

Ушбу ишончнома имзоланган пайдан бошлаб кучга киради ва танлов натижалари бўйича тузилган шартноманинг бандларини келишишнинг бутун жараёни учун амал қилади.

Шартнома кучга кирган пайдан бошлаб у бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар улар якуний бажарилгунга қадар тўлиқ ҳажмда Ижрочига ўтади.

Ф.И.Ш. ва директор ёки ваколатли шахснинг имзоси

Ф.И.Ш. ва ушбу ишончнома берилган шахснинг имзоси

М.Ў.

## Иштирокчининг фирма бланкида

Танлов учун техник таклиф \_\_\_\_\_ (танлов рақами ва мавзусини кўрсатинг)

Кимга: Харид комиссияси раиси

**Хонимлар ва жаноблар!**

Танловда иштирок этиш учун ҳужжатларни ўрганиб чиққан ҳолда \_\_\_\_\_-сонли танлов бўйича биз ушбу маҳсулотларни етказиб беришни таклиф қиламиз \_\_\_\_\_  
(таклиф қилинаётган товарлар номини кўрсатинг).

Биз №5-иловада кўрсатилган техник таклифга тўлиқ риоя қилган ҳолда Танлов ғолиби билан тузиладиган шартнома бўйича маҳсулот (лар)ни етказиб бериш мажбуриятини оламиз.

Биз таклифларни қабул қилишнинг охириги муддати сифатида белгиланган санадан бошлаб \_\_\_\_\_ кун давомида ушбу таклиф қоидаларига риоя қилишга розимиз. Ушбу таклиф биз учун мажбурий бўлиб қолади ва белгиланган муддат тугашидан олдин исталган вақтда қабул қилиниши мумкин.

\_\_\_\_\_  
(ваколатли шахснинг имзоси)

\_\_\_\_\_  
(ваколатли шахснинг Ф.И.Ш ва лавозими)

М.Ў.

Сана: " \_\_\_\_ " \_\_\_\_\_ 2022 йил

## НАРХ ҚИСМИ

1	Тўлов шартлари	Шартноманинг умумий суммасининг камида 50% олдиндан тўлаш. Қолган сумма маҳсулот(хизмат) етказилган(бажарилган)дан сўнг тўланади.
2	Тўлов валютаси	ЎЗБ сўм
3	Молиялаштириш манбайи	Жамият ўз маблағлари томонидан
4	Маҳсулот(хизмат)ларни етказиш(бажариш) муддати	Олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 30 календар куни.
5	ҚҚС сиз маржинал нарх	13 650 000 (Ўн уч миллион олти юз эллик минг) сўм , ҚҚСсиз.
6	ҚҚС билан маржинал нарх	16 060 000 (ўн олти миллион олтмиш минг) сўм.
7	Етказиб бериш(бажариш)нинг махсус шартлари	Етказиб бериш нархи Андижон шаҳри. Бобур Шох кўча-73А уйда жойлашган МЧЖ «O'zErae Climate Control» қўшма корхонасига жўнатиш, етказиб бериш, юкларни топширишни ўз ичига олади.
8	Жарималар	Танлов ғолиби танлов шартларини бажаришдан бош тортса, қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда жарима солинади.

Маъмурий хўжалик бўлими бошлиғи:



Абдураимов Ф.

Танлов шартларида белгиланган техник топшириқлар бўйича \_\_\_\_\_ МЧЖ (ЯТТ,ХК,ФХ) томонидан таклиф қилинаётган маҳсулотларни қиёсий жадвали

№	Бажарилиши керак бўлган маҳсулотларни кўрсаткичи	Иштирокчи таклиф этаётган кўрсаткич	Изоҳ
	<i>Танлов _____ (етказиб бериладиган маҳсулотнинг номланиши)</i>		
1	Гипсокартон стеновой (толўина листа 125 мм) стандартный размер- 250x120 см		
2	Шпатлевка гипсовая для внутренних работ; 20 кг мешок; При высыхании не дает трещин, пропускает воздух, паростойкий.		
3	Рейка монтажная сосновая обработанная 5x2,5см длина-4 метр		
4	Анкер дюбель пластиковый длина-6см Ф6мм		
5	Саморез чёрный по дереву длина-40мм		
6	Саморез чёрный по дереву длина-50мм		
7	Кафельный клей 25 кг мешок		
8	Трубы канализационные серого цвета Ф50мм длина 1 метр		
9	Трубы канализационные серого цвета Ф50мм длина 0,5 метр		
10	Отвод для канализ-х труб Ф50мм		
11	Муфта для канализ-х труб Ф50мм		
12	Тройник для канализ-х труб Ф50мм		
13	Тройник для канализ-х труб Ф100мм		
14	Переходник для канализ-х труб Ф100мм - Ф50мм		
15	Труба ПП Ф20мм 4 метра		
16	Отвод ПП Ф20мм		
17	Мостик ПП Ф20мм		
18	Муфта ПП Ф20мм		
19	Тройник ПП Ф20мм		
20	Шаблон для смесителя ПП Ф20мм		
21	Краска водоэмульсионная акриловая 20кг ведро		
22	Известь не гашёная крупной фракции		
23	Ламинат для пола толщина 0,8мм		
24	Плинтус пластиковый длина-2,5 метра		
25	Уголки, соединители для плинтуса		
26	Утеплитель фольгаизол толщина-3мм		
27	Дверь МДФ двухстворчатый 1,5x 2,2метра		

\_\_\_\_\_ МЧЖ(ЯТТ,ХК,ФХ) раҳбари

имзо /муҳр

Ф.И.О.